



Таштас

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

● 38 (2302)

● 1991 ЙИЛ 13 АПРЕЛЬ

● ШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИЙИН.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ИИБ ХОДИМЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА МУРОЖААТИ

Ҳурматли ҳамкасблар!
22 апрель — жаҳондаги биринчи социалистик давлат доҳийси Владимир Ильич Ленин туғилган кун ҳаммамиз учун улуг сана бўлиб келди ва шундайлигича қолади. Бу кун қадрини на вақт, на сиёсий ва ижтимоий силкинишлар тушира олади. Унинг номи қалбимиз тўридадир. Ленин биз учун инсоният орзу қилган энг яхши эзгуликлар тимсоли эди ва шундай бўлиб қолиши шарт.

Ҳн йиллар давомида биз анъанага кўра Ленин таваллуд топган кунни коммунистик шанбалик ўтказиш билан нишонлаб келдик. Ильич ишчиларнинг шанбалик ўтказиш ҳақидаги қарорини «Буюк ташаббус» деб баҳолаб, унда инсонлар бегараз меҳнатининг олийжаноб туйғулари куртагини кўрганди. Доҳий хотирасини ёдлаш мақсадида бизнинг ота-бобо-

ларимиз шанбаликка чиқишган. Уларнинг олийжаноб ишини давом эттирамизми ёхуд анъаналаридан воз кечамизми? Бугун биз бу икки йўлдан бирини танлашимиз зарур.

Қашқадарё вилояти ИИБ жамоаси «буюк ташаббус» анъанасини давом эттиришга аҳд қилди.

20 апрель кунин — В. И. Ленин туғилган куннинг 122 йиллиги арафасида жамоамиз сафда хатосиз ленинча шанбаликка чиқади. Кенг кўламдаги ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Шанбаликдан тушган маблағни яқдиллик билан меҳроқибат мақсадида — хизмат бурчини ўташда ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимлари онлалари, даволанишга муҳтож милиция кексалари ва ногиронлари учун моддий ёрдам кўрса-

тишга ажратиб ҳақида қарор қабулланди. Уларнинг барчаси ўзларининг касб бурчларини бажаришди, фуқаролар осойишталиги ва хавфсизлигини сақлаётиб ҳаётларини таҳликада қолдиришди. Бу бизнинг ёдимиздан чиқмайди. Бугун меҳроқибат кўрсатиш, ҳол сўраш ва қўллаб-қувватлаш навбати бизга келди. Бу юксак инсоний фазилатларни намоён этиш ҳаммамиз учун фарз. Ёрдамга муҳтожлар ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳамма вақт бизнинг бурчимиз бўлиб келган ва бўлиб қолади.

ИИБ жамоаси сизларни, хизматдош ўртоқларини, ташаббусимизни қўллаб-қувватлашга ва бўлажак ленинча шанбаликда фаол иштирок этиб, уни байрамга ва меҳроқибат ҳаракатига айлантиришга чақиради.



СУРАТДА: (чапдан ўнгга) Шофиркон тумани ИИБ, терговчисс милиция лейтенанти Ёқуб Очилов, ЖКБ опервакили милиция лейтенанти Фахриддин Фаттоев, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш инспектори милиция капитани Музаффар Мустақимов (автомобиль кузовида) ўғирлик буюмини ташинида шубҳаланилаётган ҳайдовчи ва автомобилни текширишмоқда.

Е. ЗУЕВ олган сурат.

У БИЗНИНГ ФАХРИМИЗ

Ҳамро Орзиев 1967 йилда ҳарбий хизматдан кейин комсомол йўлнамаси билан туманимиз ИИБга ишга келганди. Аввалига ДАН инспектори бўлиб ишлади, кейин эса касбига садоқатли, интизомли ва ишбилармон эканлигини намойиш этгач, участка вакили қилиб тайинланди.

Аввал «Коммунизм», сўнгра «Правда» жамоа хўжаликлариде хизмат қилди, 1987 йилда эса энг қоқоқ ҳисобланган Чоршанба посёлкасига участка вакили этиб тайинланди. «Правда» жамоа хўжалиги вакиллари эса «Участка вакилимизни ўзимизга қайтаринлар», деб ҳатто туман фирқа кўмитасига ҳам мурожаат қилишди. Бу энг аввало унинг ўша ҳудудда катта-кичик билан тил топиш олганлигидан, уларнинг ишончини ва меҳр-муҳаббатини қозонганлигидан далолат эди. Бундан қувондик, албатта.

Ҳамкасбимиз янги участкада ҳам ўзини кўрсатди. Камсуқумлиги, андишаллиги, айни пайтда қонунбузарларга нисбатан қаттиққўллиги билан ўзгалар ҳурматига сазовор бўлди. Утган давр мобайнида қанчадан-қанча тартиббузарликлар олди олинди, нураб бораётган оилалар сақлаб қолинди. Бу ишларда участка аҳли ўзларни севган вакилга яқиндан кўмак бердилар, албатта. Қолаверса унинг ўзи ўтган йил давомида содир бўлган ўн битта жиноятнинг олти тасини очиниша муваффақ бўлди. Ана шундай хизматлари учун милиция капитани Ҳамро Орзиев ССЖИ ИИБнинг буйруғига асосан «Хизмат кўрсатган участка инспектори» нишони билан тақдирланган.

А. ҲАЛИМОВ,

Шаҳрисабз тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция капитани.

ҒАРБЧА ТАРБИЯГА НЕ ҲОЖАТ



Ҳурматли муҳаррирлар!
«Поста» рўзномасининг шу йил 28 март сонидеги «Ўзбекистон ССЖ Президенти ўртоқ И. А. Каримовга ЎзСЖ ИИБ фахриялари кенгашининг мурожаати»ни ўқиб чиқдим, рўзномангиз орқали бу масалани дадил кўтариб чиққан ИИБ фахрияларига ташаккуримни етказсангизлар.

Ҳақиқатдан демократия ва ошқораликни ўзларича тушунган «маданият» шоввозлари бизнинг урф-одатимизни, ахлоқ-одобимизни менсимай шафқатсизлик, зўравонлик, ахлоқ-одобга зидлик, бузуқчилик ва ҳаёсизликни тарғиб қилувчи фильмларни кўрсатмоқдалар. Яна ачинарлиси шундаки, бу номаъқулчиликлар ҳокимият ва комсомол идоралари ҳомийлигида. Видеосалонлар эрталабдан кечқурун соат 23, ҳатто 24гача ишлайди. Томошбинлари эса мактаб, билим юрти ўқувчилари, ҳеч қаерда ўқимайдиган, ишламайдиганлар. Бунинг устига қизиқтириш учунми «16 ёшдан ошмаганларнинг кириши мумкин эмас. Эротика» деб ёзиб қўйилади. Аммо ундан кичиклар ҳам бемалол кираверади. Ёшлар орасидеги жиноятчиликнинг ўсишида мана шундай тугуруқсиз фильмларнинг улуши катта эканлиги жуда асосли айтилган.

Умуман «бундай ғарбона тарбия»нинг бизга нима кераги бор?

Иззатилла ТОЛБОБОВ,
Тошкент шаҳар Куйбишев тумани ИИБ ходими, милиция капитани.

ДЕПУТАТ НЕГА РАНЖИДИ?

Аёзли пойтахт кечаси. Метро бекатидан чиққан йўловчилар уйларига шошилади. Навбатчи милиционер атрофини кузатди. Шу пайт метро поездига чиқишни ундай олмаётган йўловчини кўриб, унга ёрдамга ошиқди. Қўлтиғидан олаётганида димонига ачимсиқ, бадбўй ҳид урилди. Йўловчи милиционернинг ёрдамга узатилган кўлларини силтаб, вагон сари интилди. Бекат навбатчиси ҳам аёллигига қарамай унга кўмаклашмоқчи бўлди.

Вагон эшиклари ёпилиб узоқлашар экан, маст алампидан метро ходимларини беҳаё сўзлар билан бўралаб сўка бошлади. Тенин томоша талабгорлари анча кўпайиб қолди. Навбатчи тинмай сўкинаётган шахсга босиқлик билан мурожаат қилди:

— Жамоат жойларида маст ҳолда юриш қолаверса, метрога бундай аҳволда кириш мумкин эмас.

— Сен метро каламушларини, х-халқ но-нини еб, я-яна тинч аҳолига қарши қ-қўл кўтарасанлар, мард бўлсанг, ана ўғри, каззобларга қарши кураш. — дея овозини баралла қўйиб қичқира бошлади.

Шовқинга этиб келган милиционер Ш. Ортиқов ҳамкасби Б. Йўлдошев билан биргаликда мастни навбатчи хонасига олиб киришмоқчи бўдилар. Роса ичиб тўйган йўловчи эса девдек қоматини орқага ташлаб, қаршилик кўрсатар, оғзидан боди кириб, шоди чинарди.

— Мен сенларни бир бур-

да нонга зор қиламан, ҳаммангни ишдан олдираман. Депутатга қўл кўтаришни сендақа текинхўрларга кўрсатиб қўяман.

Минг машаққатда маст депутатни милиция хонасига олиб киришди. Аммо унинг шахсини аниқлаш осон бўлмади, чунки саволларга ҳақоратлар билан жавоб берарди.

«Ленин майдони» бекатига этиб келган взвод командири милиция лейтенанти Р. Йўлдошев ва бўлак командирининг шахсий таржиб билан ишловчи ўринбосари милиция катта лейтенанти Т. Ҳошимовлар милиция хонасидеги ажиб манзарани кўриб ҳайрон қолишди.

Зўравон йўловчи бир қўли билан милиционерни бўғиб, иккинчи қўли билан погонини юлиб олишга ҳаракат қиларди. Ҳамкасби Ш. Ортиқов қанчалик тиришмасин, уни мастнинг чангалидан ажрата ололмасди.

— С-сенларни мени бу ерга олиб киришга ҳақларинг йўқ, мен депутатман... С-сенларни, порахўрларни танобларингни тортаман. Ҳали бу ишларнинг учун кечирим сўрайсанлар. — дея тинмай бақирарди.

Бу томошани кўриб ҳайратланган Т. Ҳошимов ва Р. Йўлдошевлар аранг депутатни ўтиргизишди. Оған полвон 1939 йилда туғилган Алексеев Виталий Григорьевич бўлиб, ҳозирда Чилонзор даҳасининг 12-маҳалласида истиқомат қиларкан. «Депутатман» деб чиранга-

ни ҳам рост чиқди. Тошкент картон заводининг машинисти В. Алексеев сайловчилар томонидан Ленин тумани шўросига депутат этиб сайланган экан.

— Сенлар мени уйимга олиб бориш ўрнига бу ерда олиб ўтирибсанлар. Сенлар одам эмассанлар. — депутат шундай дея гапга оғиз жуфтламоқчи бўлган милиция майори Н. Сташукнинг юзига шапалоқ тортиб юборди.

Мастнинг депутатлик гувоҳномасини олган Т. Ҳошимов Тошкент шаҳар ижроқўмига ва унинг иш жойига қўнғироқ қилди. Этиб келган завод фирқа кўмитаси аъзолари В. Алексеевни ҳеч қаерга юбормаслигини сўрашди. Завод жамоаси ўртасида бу ишни кўриб чиқишларини айтиб, ваъдалар билан кафиликка олиб кетдилар.

Аммо бир ойдан ошдики, В. Алексеевнинг хурмача қилиғига баҳо бериш ҳақидаги хатларга на шаҳар ижроқўми, на завод раҳбарияти жавоб бергани йўқ. Еки у ерда ҳам зўравон ҳаммани чанги-тиб сўкиб, қўрқитаётганми-кан?

Халқ ишончини ароқ билан қўшиб ичиб юборган депутатга шўро қонунларининг ҳимоячиси ҳисобланган ички ишлар ходимларига қўл кўтариш, уларни ҳақорат қилиш, қолаверса, ички ишлар вазирлиги томонидан берилган унвонни юлиш ҳуқуқини ким берди экан?!

Ҳ. ХОЛМИРЗАЕВ.

СССР Олий Кенгашининг қарори

«СССР ВАЗИРЛИКЛАРИ ВА СССР ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ БОШҚА МАРКАЗИЙ ИДОРЛАРИ РЎХАТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ҲАҚИДА СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ ҚАРОР ҚИЛАДИ.

1. «СССР вазирликлари ва СССР давлат бошқаруви бошқа марказий идоралари рўхати тўғрисида»-ги СССР қонуни қабул этилган пайдан бошлаб кучга киритилсин.

2. Тугатиладиган ва қайта тузиладиган вазирликларнинг ҳамда СССР давлат бошқаруви бошқа марказий идораларининг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслар ишларини топириш даврида ўзларининг хизмат вазифаларини бажариб турадилар ва тегишли идораларнинг ўз вазифаларини бажаришлари учун жавоб берадилар, аммо бу давр уч ойдан ошмаслиги керак.

3. СССР Вазирлар маҳкамаси тугатиладиган ва қайта тузиладиган СССР вазирликлари ва давлат бошқаруви бошқа идоралари қарамағидаги мол-мулкдан, шу жумладан бинолар, иншоотлар, пул ва валюта маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги масалани СССР Олий ҳакамлик судини хизмат бинолари билан ва мол-мулк билан таъминлаш зарурлигини ҳисобга

олиб, ҳал қилсин.

4. СССР Вазирлар маҳкамаси 1991-1992 йиллар давомида ишлаб турган давлат идоралари ва ташкилотлари негизда давлат корпорациялари, концернлар, холдинглар, ҳўжалик уюшмалари, акционерлик бирлашмалари (жамиятлари) ни, бозор типдаги бошқа тузилмаларни ташкил этиш ишини ўтказсин.

Мазкур топшириқ бажарилганлиги ҳақида СССР Олий Кенгашига 1992 йилда маълумотнома тақдим этилсин.

5. СССР Президенти:

Мазкур қонунда кўрсатилган СССР давлат бошқаруви идораларини умумиттифоқ ва иттифоқ-республика идоралари қилиб белгилаш ҳақида, шунингдек уларнинг янги иттифоқ шартномаси лойиҳасида таърифланган қондаларини эътиборга олиб, СССР Иттифоқи ва республикаларнинг биргаликда бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул этиш механизми ҳақидаги таклифларни СССР Олий Кенгашига тақдим этсин.

1991-1992 йиллар мобайнида СССР нинг тегишли вазирликларини қайта тузиб, уларни бозор типдаги бирлашмаларга ва корхоналарнинг уюшмаларига ҳамда бошқа тузилмаларга айлантириш тўғрисида таклифлар киритсин.

6. СССР Вазирлар маҳкамасига Жисмоний тарбия ва спорт комитети, Кинематография комитети, Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва таъмирлаш комитети, Фахрийлар ва ногиронлар ишлари комитети, Оила ва аёллар ишлари комитети, Ёшлар ишлари комитетини, Давлат экология жамғармасини тузиш тавсия қилинсин.

Республикаларнинг мурожатлари муносабати билан СССР Вазирлар маҳкамаси Енгил саноат ва халқ истеъмол моллари комитетини тузиш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқсин.

СССР Олий Кенгашининг
Раиси А. ЛУКЪЯНОВ.
Москва, Кремль.
1991 йил 1 апрель.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг қонуни

СССР ВАЗИРЛИКЛАРИ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ БОШҚА МАРКАЗИЙ ИДОРЛАРИНИНГ РЎХАТИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу қонунда СССР Конституциясига биноан СССР вазирликлари ва давлат бошқаруви бошқа марказий идораларининг рўхати белгилаб берилди.

1-модда. СССР ВАЗИРЛИКЛАРИ

Қуйидагилар СССР вазирликларидир:

Авиация саноати вазирлиги.

Автомобиль ва қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги вазирлиги.

Атом энергетикаси ва саноати вазирлиги.

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги.

Ички ишлар вазирлиги.

Геология вазирлиги.

Фуқаро авиацияси вазирлиги.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Ташқи ишлар вазирлиги.

Ахборот ва матбуот вазирлиги.

Маданият вазирлиги.

Металлургия вазирлиги.

Денгиз флоти вазирлиги.

Нефть ва газ саноати вазирлиги.

Мудофаа саноати вазирлиги.

Мудофаа вазирлиги.

Умумий машинасозлик вазирлиги.

Моддий ресурслар вазирлиги.

Табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитини муҳофаза қилиш вазирлиги.

Темир йўл вазирлиги.

Радио саноати вазирлиги.

Балиқ ҳўжалиги вазирлиги.

Алоқа вазирлиги.

Қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат вазирлиги.

Махсус қурилиш ва монтаж ишлари вазирлиги.

Кемасозлик саноати вазирлиги.

Савдо вазирлиги.

Транспорт қурилиши вазирлиги.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлиги.

Кўмир саноати вазирлиги.

Молия вазирлиги.

Иқтисодий ва истиқболни аниқлаш вазирлиги.

Электрон саноати вазирлиги.

Электр-техника саноати ва асбобсозлик вазирлиги.

Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги.

Адлия вазирлиги.

Кимё ва нефть қайта ишлаш саноати вазирлиги.

2-модда. СССР ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ БОШҚА МАРКАЗИЙ ИДОРЛАРИ

Қуйидагилар СССР вазирлари бошчилик қиладиган СССР давлат бошқаруви марказий идораларидир:

Давлат хавфсизлиги комитети.

Давлат озиқ-овқат ресурсларини харид қилиш комитети.

Давлат ўрмон комитети.

Давлат машинасозлик комитети.

Давлат халқ таълими комитети.

Давлат фан ва технология комитети.

Давлат миллий масалалар комитети.

Давлат ҳисоб комитети.

Давлат қурилиш ва сармоя комитети.

Давлат кимё ва биотехнология комитети.

3-модда. СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ КОМИССИЯЛАРИ

СССР Вазирлар маҳкамасида тармоқларнинг гуруҳларини ва халқ ҳўжалиги мажмуаларини бошқариш учун қуйидаги комиссиялар ишлайди:

Давлат ҳарбий саноат комиссияси.

Давлат ёқилги-энергетика комиссияси.

Давлат фавқулодда вазиятлар комиссияси.

4-модда. СССР ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ РЕСПУБЛИКАЛАРА ОИДОРЛАРИ

Мамлакатда валюта сиёсатини Иттифоқ-республика валюта комитети амалга оширади.

Бозор иқтисодиётига ўтишга оид ўзаро боғлиқ тадбирлар мажмуасини республикалар билан мувофиқлаштириб ишлаб чиқиш ва изчиллик билан амалга ошириш Давлат иқтисодий ислоҳот кенгаши томонидан таъминланади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.

1991 йил 1 апрель.



ҚЎЛГА ОЛИНДИЛАР

Шу йилнинг 26 март кунин похтаининг Олой бозори яқинидаги Широкая кўчасида кўзлари олазарак икки киши пайдо бўлди. Атрофда одам камлигидан фойдаланиб, К. Рашидовга қарашли автомашина-

га яқинлашди. Елпигич ойнасини синдиришгач, эшигини очиб, ўт олдириш ҳаракатини қилишгаётганларида шу кўчага бурилган милиция машинасини кўриб жуфтанин ростлашди. Бузоқининг югургани сомонхо-

нагача, деганларидек улар қўлга олиндилар. Маълум бўлишича, Калинин туманидаги 8-ошхонанинг ошпази Ф. ва 2-автокомбинат ҳайдовчиси Х. исмли шахслар экан. Улар устидан жиноий иш қўзғатилди.

Раҳмонли АҚБАРАЛИЕВ,
Тошкент шаҳри.



«НОЧОР»

ТОВЛАМАЧИЛАР

Рўзномаининг ўтган, 6 апрель сонидан юқоридаги сарлавҳа остида хабар чоп этган эдик.

Ушбу суратларда Тошкент вилоятида қўлга олинган ўша тўрт товламачи уйдан чиққан 500 минг сўмлик турли-туман моллардан айримлари акс этган.

Ҳабиб ШУКУР
олган суратлар.

ҚОРОВУЛНИНГ ЎЗИ ЭГРИ

Бешариқ шаҳридаги пахта тозалаш заводида ташмачилар ҳаракати кучайиб кетди. Шу боис Киров тумани ИИБ раҳбарлари ана шу корхона атрофида назоратни кучайтиришга қарор қилдилар.

31 январдан 1 февралга ўтар кечаси маҳаллий (муниципал) милиция ходимлари Алишер Қурбонов, Бахтиёр Фармонов, Давлат Ботировлар патрулликда юришганди. Соат миллари тўртдан ошганда велосипед етаклаган киши уларнинг эътиборини тортди. Тўхтатиб кўришди. У Қораянтоқ қишлоғида истиқомат қилувчи, туман матлубот жамиятига қарашли омбор қоровули Садирали Алибердиев экан.

— Ҳа, Садирали ака, омборни ташлаб қаёққа кетаяпсиз? — деб сўрашди милиционерлар.

— Уйда зарур ишим чиқиб қолди, шунга тезда бориб келай, дегандим... — Унинг кўзлари бежо, ўзи эсанмаганида тиширичаб турарди.

— Қопингизда нима бор?

Садирали бу саволдан эсанкираб қолди. Нималардир деб гўлдиради. Тинчлик посбонлари ҳам анойилардан эмас, қопни очиб кўришди. Лекин ток ургандек сергак тортишди. Кўзларига дастлаб ишонини мади. Чунки қонда тижорат нарҳида биттаси 400 сўм турадиган 10 дона аёллар жемпери, чет элда тайёрланган 8 дона эркаклар кўйлаги, 20 шиша ароқ бор эди.

— Э, ўлжа катта-ку!

Бу гапга омбор қоровули лом-мим, деб жавоб қайтара олмади.

Туман ИИБда зудлик билан қидирув-тергов ишлари бошлаб юборилди.

— Дастлабки пайтаёқ С. Алибердиев ўзи қўриқлаёт-

ган омбордан анчадан бери ўғирлик қилаётган бўлса керак, деган гумонга бердик. — дейди тергов гуруҳи бошлиғи, милиция капитани Зайнобиддин Ҳазратқулов. — Асосий эътиборни шунга қаратдик.

Вазминлик билан олиб борилган тергов ҳаракатлари бесамар кетмади. 8 февраль кунини ҳисобга олинган ўғри бутун кирдикорларини тўла бўйнига олди. Нарҳи 9 минг сўм турадиган иккита «Фишер» видеоманитофони, ҳар бири 2 ярим минг сўмлик уч дона магнитофон, баҳоси 50 сўмлик ўн дона видеокассета, ўғирланган буюмларни сотиш орқали топилган нақд 6 минг сўм пул, яна ҳар хил кийим-кечаклар ашёвий далил сифатида тортиб олинди.

— Маълум бўлишича, С. Алибердиев ўтган йилнинг 4 октябридан бери мунтазам ўғирлик билан шуғулланиб келган, — дейди терговчи З. Ҳазратқулов. — Имонининг сустилигини қарангки, соқчилик бўлинмаси ходими бўлатуриб, ўзига ишониб топширилган омборга кўз олайтирса-я! Мана, тафтиш ҳам ўтказилди.

Агар бу ишни фош қилмаганимизда 55 минг 90 сўмлик камомад омбор мудури Ҳошимжон Ҳусанов ва бошқа масъулларнинг бўйнига илинарди.

Шу ерда бир савол туғилади. Нопоклик йўлини ихтиёр этган С. Алибердиев тўрт ой мобайнида ўғирлик билан шуғулланиб келадими, наҳотки бунинг ҳеч ким сезмайди? Ҳа, сезинмади. Чунки унга ҳаддан зиёд ишониб юборилган. Иккинчидан, омборга ташвишгоҳ қурилмаси тугул деразаларига темир панжара ҳам ўрнатилмаган. Ана, сизга бепарволикнинг оқибати...

Раҳмон АЛИ.

(Охири. Боши ўтган сонда)

Тан олиш керакки, қўриқлаш хизмати иш усулларини ўзгартирмоқда. У хиёл талабини юмшатди. Энди ДАН унинг кўрсатмасига бўйсуниб, чорраҳаларда машиналар уюрини соатлаб ушлаб турмайди, қўриқланадиган шахсларга фуқаролар яқин келишига монелик қилмайди. Лекин қўриқланадиган шахснинг меҳнаткашлар билан учрашувлари, айниқса, у режалаштирилмаган бўлса, қўриқлаш хизмати ходимларининг асабини қанчалик қақшатишини тасаввур қилиш ҳам қийин. Горбачев бундай учрашувларни тез-тез ўтказиб туради, шунинг учун қўриқчиларга ҳеч қандай тайёргарликсиз иш кўришга тўғри келади.

Узоқ Шарқ бўйлаб сафари пайтида у аҳолиси ўзини қутлаётган қандайдир қишлоқчада тўхтаб ўтишни сўради. Учрашув режалаштирилмаган эди (қўриқлаш хизматида бу ҳол ҳам кўзда тутилган). Оддий деҳқон аёл мамлакат раҳбарига нон-туз тутди. Давлат бошлиқларига нотаниш кишилардан бирон-бир таом олиш, айниқса, ундан татиб кўриш тасвия этилмайди. Таомга ҳар нима қўшилган бўлиши мумкин. Унинг заҳарланиш имконияти миллионгадан биттага тўғри келар, балким. Ана шу битта имкониятни ҳам ҳисобга олиш керак. Горбачев нон-тузни олди ва ундан бир чимдим татиб кўрди. Худога шукрим, охири бахайр бўлди. Бироқ уни кузатиб бораётган қўриқлаш хизмати генерали ўша дақиқаларда оёғи куйган товукдек роса типирчилади.

Биринчи ҳалқа — бу өнг яқин қўриқчилар. Улар беқиёс тажрибали офицерлар, ниҳоятда ҳаракатчан, шиддатли реакцияга эга, қўриқланадиган шахсни ўзининг танаси билан ёпишга ҳар дақиқада тайёр, ҳужумни бартараф эта оладиган ходимлардир. Биринчи ҳалқада бўлиш жуда фахрли. Лекин бу офицерларга қимматга тушадиган обрў, чунки уларга уйқусиз тунлар ва асабий зўриқишлар ажралмас ҳамроҳ бўлади. Биринчи ҳалқаниннг ўзгармас командири Владимир Медведевни — новча, сочлари тўкилган, 1-рақамли шахсий қўриқчинин миллионлаб кишилар билишади. Брежнев қўриқчилари сафидан ўрин олганда, унинг сочлари қалин ва ўзи ёш эди.

Айтганчалик, бизнинг қўриқчилар қиёфасидан уларнинг ҳақиқий ҳис-туйғуларини англаш анчагина мураккаб. Совет қўриқчилари ўзларини босиқ тутишларини ва жуда аниқ ишлашини чет эл мат-

Кремль *Владислав Янелме* қўриқчилари



буоти бир неча марта таъкидлаб ўтганди. Айниқса, 1985 йили Горбачев Парижга ташриф буюрганда, француз мухбирлари улар ҳақида оғизларидан бол томиб ёзишганди.

Кремлда мени одатда раҳбарларимиз қўриқчилари сони ажнабий давлатлар раҳбарлариникига қараганда анча камлигига ишонтирмоқчи бўлишди. Таққослаш учун рақамларни айтишди. Рейган Хельсинкида бўлганда, унинг олдинги гуруҳ қўриқчилари 300 кишидан иборат бўлган. Бизники эса атиги 28 киши.

Америкаликлар майдалашиб ўтиришни ёқтиришмайди. Уларнинг президенти Москвага ташриф буюриши арафасида «Шереметьево» қўналғасига шахсий таркиб, махсус қурилма ва автотранспортни 5 та «Геркулес» самолёти олиб келди. Хорижий юртларга қилинадиган расмий сафарлардаги биз-

нинг юкимиз салмоғини солиштириб ўтиришнинг ҳожа-ти йўқ.

Бироқ бу — бизнинг қўриқлаш хизматимиз муайян техника воситалари билан таъминланмаган дегани эмас. Шунга қарамадан америкалик ҳамкасбларига бу борада етишга анча бор. Уларда хотираси зўр компьютерлар, бир зумда ҳар қандай шубҳали шахснинг етти пуштигача аниқлаб берадиган космик алоқа мавжуд. Бизда булар йўқ, тўғри, ҳар бир ходимда рақия, ҳавони шошилинч текширадиган ускуна, дурустгина минақидиргичлар, темир буюмлар (қуроллар)ни топадиган жиҳозлар, портловчи мосламаларни топадиган жуда яхши итлар бор. Портловчи мосламалардан хавотирланишга асос эса етарли. Чунки фақат ўтган йилнинг ўзида мамлакат омборларидан 30 тонна портловчи моддалар ўғирланган. Умуман олганда қўриқлаш

хизматининг вазифасига қўриқланадиган шахсни сафарда, дам олишда ва бошқа вақтларда муҳофаза қилишгина қирмайди. Бажариладиган иш кўлами катта: сиёсий ва жамоат тадбирлари (халқ депутатлари, фирқа, касаба уюшмалари съездлари, ССЖИга расмий ташриф билан келаётган шахсларни, бевосита Кремлни, ҳукумат муассасаларини ва б. қ. ни қўриқлаш)нинг ўтишини таъминлаш ҳам бор.

Келинг, Горбачевнинг қўриқчиларига қайтсак. Айтайлик, Президент мамлакат бўйлаб сафарга отланипти. Қўриқлаш хизмати вакиллари бу ўлка ҳақида олдиндан маълумот йиға бошлайдилар. Жиноятчилик даражаси қандай? Сунқасдга қўл уришга тайёр кишилар борми? Аҳоли қўлида қурол кўпми ва у қандай қурол? Асосий ва эҳтиёт шартдаги бўлажак ҳаракат йўналишларининг чизма-

лари ўрганиб чиқилади, маҳаллий ДХҚ ва милицияга қўлланма берилади. Қўриқлаш хизматининг биринчи ҳалқаси ходимлари иккинчи ва учинчи ҳалқани ташкил этадиганлар билан юзма-юз танишадилар. Кўзда тутилмаган ҳолатлардаги ҳаракат келишиб олинади.

Чет элга қилинадиган ташрифларда эса ташвиш бундан ҳам ортади. Хорижий ҳамкасблар билан олдиндан маҳаллий қўриқлаш хизмати ўзига қандай вазифа олиши ва олий лавозимли меҳмоннинг қўриқчилари нима қилишлари, оддий ёки зирҳли транспорт бўлиши, йўлнинг қайси қисмида қандай тезликда ҳаракат қилиши, хавф туғилганида қандай чоралар кўриш, қаерда ва қанча қўшимча куч сақлаш, ҳаводан ҳам муҳофаза бўладими ва б. қ.лар ҳақида келишиб олинади.

«Қўриқланадиган шахс» деган маъхум атама замирида ўзига хос хислат, одатларга эга тайинли одам туради. У қўриқчидан автомобилда қолдирилган буюмни олиб келишни сўраши, оғзи-га сўк солган ҳамроҳларидан шунчаки чарчаши ва буни уларга билдириб қўйиши мумкин. Бироқ қўриқлаш хизмати ўзини қанчалик ноқулай сезмасин, постни бирор марта ҳам ташлаб кетишга ҳаққи йўқ. Автомобилдаги буюмни бошқа одам келтиради, офицер назоратдаги зонани тарк ҳам эта олмайди, гарчанд у қўриқланаётган шахснинг жонига тегиб кетган бўлсада.

Бизда бундай шахслар кўпми? Кўп эмас. Президент, Вице-президент, ССЖИ Олий Кенгаши Раиси, Бош вазир, Президент рафиқаси (!), ташқи ишлар вазири (сафардалик чоғида). Вақти-вақти билан давлат бошлиғи яқинидагилардан кимгадир ҳам қўриқчилар ажратиб турилади. Мана, масалан, Президент Кенгаши аъзоси В. Ярин чет элга борди. Уни қўриқлади. Б. Ельцинни ҳам қўриқлашади. Лекин унинг қўриқчилари ДХҚга қарамайди.

Агар кўча бўйлаб ҳукумат карвони елдек учиб келаётган ва қора машиналар йўл-йўлакай сизнинг эски «Жигули»нгиз қанотига тегай-тегай деб қатордан-қаторга ўтаётган бўлса, шунинг билангина, бу сизнинг ҳам хавфсизлигингизни таъминлаш мақсадида қилинмоқда.

Буни биз ўйлаб топмаганмиз. Ҳар доим шундай бўлган. Давлат ўз бошлиқларини қўриқлаган. Ва қўриқлашни давом эттирмоқда.

«Литературная газета»нинг «Досъесидан таржима» (1991 йил № 2).



Бозор иқтисодиёти муносабати билан нарх-наво кескин кўтарилиб кетди. Шундоқ ҳам кўпгина ҳамюртларимиз қўл учидан рўзгор тебратишаётган эди. Уларнинг бу шароитга кўнгишлари қийин кечади, албатта. Бу эса милиция ходимларидан масъулиятни кучайтиришни талаб қилади.

— Шу кунларда ниҳоятда эҳтиёткорлик ва ақл-идрок билан ишлаш керак, — деб таъкидлайди Шаҳрисабз шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Абдурахмон Қаҳҳоров ўз сафдошлари-

га. — Айниқса, БХСС хизматини кучайтириш даркор. Бугун дўконларда молларни яшириб қўядиган ёки ўзича нархни яна ошириб сотаётган шахслар фаолиятига йўл қўйиб бўлмайди. Суратда: ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги А. Қаҳҳоров, бошлиқ ўринбосари, милиция капитани К. Қурбонов ҳамда участка вакили, милиция лейтенанти Тиломурод Ҳайдаровлар эртанги кун режаси ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

Сураткаш Э. ҚУЛМУРОДОВ.

СОПОЛ КОСА ЎҒРИСИ

Оққўрғон шаҳрининг М. Чачи кўчасидаги 8-уйда яшовчи Юрий Мелибоев қилмишларига яраша етти йил қамалиб чиқса ҳам, тавбасига таянмаган экан. У яна ўғирликка қўл урди. Охунбоев номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги уйлардан бирига қўлфни бузиб кириб, у ердан аёлларнинг турли хил кийим-бош-

ларини ва бир шиша ароқни олиб кетди.

Бир неча кун ўтгач эса, Оққўрғон шаҳридаги колхоз бозори ёнида турган аёлнинг сумкасини олиб қочди. Унинг ичидаги 100 сўм пул, турли хил майда-чуйдалар Юрийни руҳлантириб юборди. Бунинг устига икки сафар ҳам унинг олдига бирор кимса нима қилаётган, деб суриштириб келмади.

Шишадонлар бир-бирига гап бермасдан ўзиникини маъқуллашарди. Жасоратли бўлишга, «йнгит»часига иш тутишга ундашарди.

Бироздан кейин маслаҳатлари пишди. Эсон катта ош пичоқни қўйинга тикди. Хуррам эса арқонни қўлтигига қистирди. Яна бир пилладан «отиб» олишгач, йўлга тушишди. Хонадон соҳибасининг

УЛФАТЛАР АФСУСИ

йўқлиги уларни қувонтириб юборди. Хоналардан бирида ухлаб ётган уй эгасининг жияни Собирнинг қўл-оёқларини боғлаб, оғзига латта тикдилар. Шундан сўнг кўнгишларига ёққан нарсаларни кўтариб чиқиб кетдилар. Қамашни тумани ички иш-

Шунинг учун кейинги «ов»га вояга етмаган ўғай ўғли Игорь Хромовни ҳам бошлаб борди. Ота-бола ўша кунни тунда туман марказидаги 6-болалар боғчасига киришиб, у ердан битта катта кастрюль, 12 дона сопол коса, иккита пилёла, битта чойнакни ўмариб кетишди. Қуруқ қўл билан қайтиш уят эдида.

Бу сафар Юрий Оққўрғон тумани ИИБ ходимлари томонидан ушланди. Суд уни 4 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.

М. ҲАКИМОВ.

лар бўлими ходимларининг зудлик билан қўрғон чоратадбирлари натижасида улар тезда қўлга олинди. Ўғирлардан бири муқаддам судланиб, қамалиб чиққан Эсон. Р., иккинчиси эса ҳеч қаерда ишламайдиган Хуррам Г. экан.

А. МҶМИНОВ.

АНА, ТРАМВАЙ КЕЛЯПТИ

Ҳаммамизга одат бўлиб қолган: ишга ёки бирор юмушни бажаришга отлан сак уйдан югуриб чиқамиз-у, трамвай бекатига шошиламиз. Кўп кутмаймиз, Зувиллаб пўлат из устида келган электр транспортига ўтираемиз, ҳаш-паш дегунча манзилемизга етиб оламиз.

Лекин шу томони ҳам борки, узоғимизни яқин қилаётган ана шу транспорт воситалари қачондан бошлаб шахримиз кўчаларида юра бошлаган — бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Маълумотларга қараганда, темир йўллар узра шитоб билан ҳаракат қилувчи трамвайлар Тошкентда 1901 йил 30 март кун пайдо бўлган. Тўғри, дастлабки пайтларда уларни ток эмас, отлар тортиб юрган. Шу боис «трамвай» деб эмас, «конка» деб аташган.

Уша вақтларда пўлат излар атиги 10 километр бўлган. Вагонлар бор-йўғи 30 дона, уларни тортувчи отлар эса 288 та эди. Шундоқ бўлса ҳам бир йилда 1 миллион йўловчига хизмат кў-

сатиларди. Ток билан ишлайдиган қудратли, ҳақиқий трамвайлар 1913 йил 1 январдан тошкентликлар узоғини яқин қила бошлади. Бельгиядан 50 та моторли ва 20 та прицепли вагонлар келтирилганди.

1923 йилга келиб эса вагонлар 70 тага етказилди, уларни бошқарадиган моҳир ҳайдовчилар сони эса 140 нафарни ташкил этди.

Улар Ватанимиз бошига оғир кунлар тушганда, яъни Улуғ Ватан уруши йилларида эътиборли ишларни амалга оширдилар. Фронтга озиқ-овқат, кийим-кечак ва ўқ-дори етказиб бериш биринчи галдаги вазифа ҳисобланарди. Ёки поездларда келтирилган ярадорларни шифоналарга олиб бориш борасида қатор муаммолар пайдо бўлганди. Тўрт мучаси соғ йиғитлар урушда, бу ерда аёллар, ногиронлар ва болалар қолтирилган. Устига устак транспорт масаласи чағоқ.

Ана шу ва шунга ўхшаш муаммоларни ҳал этишда,


яъни фронтга юборилаётган юкларни касалхоналарга келтиришда трамвай ҳайдовчилари матонат кўрсатишган.

Табарруқ қарияларимиз ана шуларни яхши эслашса керак.

Бугунги кунда электр транспорти энг ишончли улов ҳисобланади. Кўп кутмайсан, озода, хизматига қараганда арзон ва қулай. Автобус бузилиб қолиши мумкин, йўллар яхлаган қирчиллама қиш палласида эса унга ўйлашиб ўтирасан. Энг маъқули — трамвай.

Бизнингча, бу фикр ҳозир кўпчилик тошкентликлар тасаввурига жо бўлиб кетган. Улар шахримиз кўчаларида 24 маршрут бўйича замонавий трамвайлар, 22 маршрут бўйича троллейбуслар ҳаракат қилаётганини яхши билишади.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасида 710 та такомиллашган «конка», 770 та «шоҳли автобус» бор. Уларнинг хизматида бир кунда ўрта ҳисобда миллион киши баҳраманд бўляпти.



Бундан ташқари электр транспорти бошқарувчилари йўл ҳаракати қондаларига қатъий риоя этиб, йўловчиларни ўз манзилларига бешикаст етказишни мақсад қилиб олганлар. Шу боис автофалокатлар содир этиш бўйича уларнинг ҳиссалари умуман сезилмайди, десак лоф бўлмайди.

Биз фурсатдан фойдаланиб, Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнат жамоасини бошқарма ташкил топган кунга 90 йил тўлиши муносабати билан қизғин табриқлаймиз. Халқимизга маданий хизмат қилишдан толманг, азизлар, деймиз.

Р. УСМОНОВ,
«Поста» мухбири.


СОХТА САНТЕХНИК

Пойтахтимизнинг Қорақамиш даҳасида истиқомат қилувчи 51 ёшли Д. Носкова ҳайратини яширолмади. Чунки унинг уйига қақирган пайтингда кундуз кун чироқ ёқиб топиб бўлмайдиган сантехниклар ташриф буюришганди. Қувонч узоққа чўзилмади. Остонадаги оёқ латтага туғлисини артиб, ичкарига кирган ҳожатбарорлар ёрилган трубани излаш ўрнига уй эгасини дўшослай бошлади. Утакаси нақ ёрилаётган аёлга иччоқ тираган сохта сантехниклар Японияда ишланган видеомагнитофонни ва телефон аппаратини қўлтиқларига уришгач, хонадонни тарк этишди.

СЕЛ БАЛОСИ


Жумҳуриятимизнинг тоғли туманларида қаттиқ ёмғир ёғиши натижасида кўнгилсиз ҳодисалар юз берди. Жиззах вилоятидаги Баҳмал туманининг «Узунбулоқ» давчи аҳолининг 160 бош қоралат хўжалиги ҳудудда яшовчилини 8 апрель кун кундуз соат тўртларда сел оқишиб кетди. Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида кутуриб оққан сувдан сўнг «Коммуна» жамоа хўжалигига қарашли 700 гектар майдондаги экиндан асар қолмагани маълум бўлди.

Ғ. ЖУРАЕВ.



СУРАТЛАРДА: 1. Трамвайларнинг илк авлоди ҳисобланмиш «конка» ҳозир жуда содда кўринсада, уша

пайтларда замонавий ҳисобланарди. 2. Энг ишончли ва қулай транспорт Тошкентда мана шу. 3. «Жану-



бий» вокзал ва Юнусобод даҳаларини боғловчи 28-маршрут бўйича қатнайди-ган трамвай ҳайдовчиси

Ҳикматали Сайдуллаев ҳам касбларининг фахри. Сураткаш Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ.

ИЗЗАТИНИ БИЛМАГАН «МЕҲМОН»

Текин даромад ортқариш ниятида Тошкентга «меҳмон» бўлиб келган Иваново вилояти фуқароси Н. Шаповалова кўй берган арқонини ҳам берсин, деган нақлга амал қилиб, уйига қуруқ қўл билан кетгиси келмади. Шахримизда шундоқ ҳам сигарет тақчил бўлиб турган пайтда, Тошкент тамаки фабрикасида 3500 қути

«Космос» сигарети олиб чиқиб кетаётганида Киров тумани ички ишлар бўлими БХСС ходимлари томонидан ушланди. Н. Шаповалова қандай қилиб фабрика биносига кириб қолганини милиция ходимлари аниқлайди, албатта.

Р. АКБАРАЛИЕВ,
Тошкент шахри.



Учқўрғон тумани маркази йилдан-йилга чирой очиб бораёпти. Яқинда бу ерда иккинчи қаватли мухташам бино қад ростлади. Биринчи қаватда замонавий меҳмонхона, иккинчи қаватда эса лаззатли таомлар тайёрланади-

ган ресторан ҳамда чойхона жойлаштирилган.

— Бир иёлга кўк чойимиз бор, марҳамат қилинг, — дейишади бу ердаги хизматчилар.

Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ олган сурат.

Риштон тумани ички ишлар бўлими БХСС ходими, милиция лейтенанти Маҳмуджон Мамажонов Сўхобод қишлоғига бориш учун автобусда йўлга чиқди. Салонда одам камлиги учун бўш ўриндиқлардан бирига ўтириб олди. Йўл-йўлакай олдиндаги одамларнинг, суҳбати эътиборини тортди.

бу иш билан шуғулланиб кўраман.

Эртаси кун одамлар ранжиган дўконда хариддорлардан бири 28 сўмлик мол сотиб олгани устидан чиқиб қолишди. Ҳисобкитоб қилиб кўришса, М. Топиболдиев номли матлубот жамиятига қарашли 18-дўкон мудирини Муҳаммадра-

АТАЛАДАН СУЯК ЧИҚДИ

— Кеча у-бу нарса харид қилсам, Муҳаммадражаб дўкончи нақд бир сўм пулимни уриб қолди-я, — деди аёл киши.

Унинг ёнида ўтирган ўрта ёшлардаги одам эса суҳбатдошининг гапини маъқуллади.

— Тўғри айтасиз, у виждонини ҳам жигилдонга айлантириб юборган. Маҳалла кўмитаси фаоллари ҳам, милиция ҳам унга нисбатан мурасасозлик қилса, биров мушугини пишт демаса, шундай бўладида...

Маҳмуджон оддий фуқаро кийимида бўлганлиги учун суҳбатлашаётганлар унга эътибор қилишмасди. «Одамларнинг хафа бўлишлари тўғри, деб ўйларди у ўзича.

жаб Шокиров ўз фойдасига атиги 65 тийин «адашибди».

Дўкон ва унинг омбори текшириб кўрилди. Кейин тафтиш ўтказиш лозим, деган хулосага келишди. Бу тадбир ҳам ўтказилди, натижада 5 минг 100 сўмлик камомад аниқланди. Нафси бало дўкон мудирини устидан жинорий иш қўзғатилди.

Қаранг, фуқароларнинг ўзаро ҳасратлари газак олаётган ярани даволашга сабаб бўлди.

Эҳ, Муҳаммадражаб, шунини айтишарканда, ўлжанг текин бўлса, аталангдан ҳам суюк чиқади, деб.

Эминжон ОБИДОВ,
милиция катта лейтенанти.



Мухаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Мухаррир,
муҳаррир ўрибосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТА» —
(«НА ПОСТУ»)
Орган коллегияси МВД
УзССР